

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАЛДАРБЕКОВА МАЛИКА АХИНЖАНОВНА

**ЮВЕНИЛ РЕВМАТОИД АРТРИТ БИЛАН ОҒРИГАН БОЛАЛАРДА
АНЕМИЯ КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Халдарбекова Малика Ахинжановна

Ювенил ревматоид артрит билан оғриган

болаларда анемия кечишининг

клиник-патогенетик хусусиятлари.....5

Халдарбекова Малика Ахинжановна

Клинико-патогенетические особенности

течения анемии у больных

ювенильным ревматоидным артритом.....27

Khaldarbekova Malika Akhinjanovna

Clinical and pathogenetic features

of the course of anemia in patients with

juvenile rheumatoid arthritis.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works56

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАЛДАРБЕКОВА МАЛИКА АХИНЖАНОВНА

**ЮВЕНИЛ РЕВМАТОИД АРТРИТ БИЛАН ОҒРИГАН БОЛАЛАРДА
АНЕМИЯ КЕЧИШИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib1521 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Ашурова Дилфуза Ташпулатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Агзамова Шоира Абдусаламовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Фурқат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация химояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.А. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги. Дунёда сўнгги йилларда касалхонага ётқизилган болалар ўртасида анемия энг кўп кузатиладиган ҳамроҳ касалликка айланди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, “2019 йилда анемия ногиронлик туфайли 50 миллион йиллик соғлом ҳаётнинг йўқотилишига сабабчи бўлди. Камқонликнинг асосий сабаблари озик-овқатда темир танқислиги, сурункали касалликлар, талассемия... Анемияни олдини олиш ва даволаш мумкин...”¹. Анемия билан касалланиш ҳолатларини камайтириш Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ассамблеяси томонидан қабул қилинган олтита глобал мақсадлардан бири сифатида киритилган. ЖССТ кўп тармоқли ёндашув асосида анемиянинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашга доир комплекс чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш мажбуриятини олган². Хозирги кунда болалар ва ўсмирларда ювенил ревматоид артритда (ЮРА) камқонликнинг кенг тарқалиши "ревматоид анемия" атамасининг пайдо бўлишига олиб келди. Шу билан бирга, анемиянинг клиник кечишидаги ўзига хослик, ЮРАда анемия ривожланишининг патогенетик механизмлари етарлича ўрганилмаганлиги, уни даволашга асоссиз ёндашувлар диагностикани такомиллаштириш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Жаҳонда анемиянинг дифференциал диагностикаси мезонларини ишлаб чиқиш ва ЮРА билан касалланган болаларда уни даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу сабабли келгусида касалликнинг клиник-патогенетик механизмларини ўрганиш, клиник-лаборатория диагностикасини такомиллаштириш, болаларда ЮРАда камқонликни даволашнинг комплекс ёндашувини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотларнинг олиб борилиши алоҳида илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни янада яхшилаш, айниқса, болаларда касалликларни ташхислаш ва даволаш, асоратларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш “...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш...”³ бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун ЮРА ва касалликнинг бўғимдан ташқари кўриниши сифатида анемияни ўз вақтида аниқлаш, ташхислаш ва даволаш, шу орқали ногиронликни камайтириш, болалар ва ўсмирлар ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам бериш мақсадга мувофиқ.

¹<https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/anaemia>. Global Health Metrics. Anaemia–Level 1 impairment. Lancet. 2019; 393

²Walters D, Kakietek J, Eberwein JD, Shekar M. An investment framework for meeting the global nutrition target for anemia. Washington DC: World Bank; 2017

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.12.2018й. “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги № ПФ – 6221 сонли, 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонларида, 2019 йил 7 сентябрдаги “Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4440-сонли, 2022 йил 25 апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-215-сонли қарорларида, ҳамда ушбу соҳага оид қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг республикадаги фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда хорижий олимларнинг маълумотларига кўра, сўнгги тадқиқотлар ЮРАда анемия механизмларининг патофизиологияси ва клиник хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Nahid Janoudi ва Ammar AlDabbagh (2021) томонидан ревматоид артритнинг гематологик кўринишларига алгоритмли ёндашув таклиф этилган. Бу ёндашувда таснифлаш қоннинг зарарланган компоненти (тромбоцитлар, гемоглобин ёки лейкоцитлар) бўйича ўтказилган ва муаллифлар дифференциал ташхисни кенгайтиришни таклиф қилишган. Shatha M. Albokhari1, Mohammed Muzaffer (2021) томонидан ўтказилган ретроспектив тадқиқот анемия бемор болаларнинг тахминан 50% да кузатилганлиги ва асосий патофизиологик механизм сифатида яллиғланиш анемиясига жавоб бериши кўрсатиб берилган. Проспектив тадқиқотларда анемиянинг бўғимлардаги рентгенологик деструктив ўзгаришларнинг ишончли даражаси, шунингдек, яшаб қолишда узок муддатли прогнознинг ёмон даражаси бўлиши мумкинлиги исботланган (Moller B., et al., 2014, Thomas C., Thomas L., 2015).

МДХ олимларининг маълумотларига кўра, ЮРАда анемия патогенезининг асоси аутоиммун жавобнинг ривожланиши, яллиғланиш цитокинларининг ажралиб чиқиши ва ретикулоэндотелиал тизимда темирнинг тўпланиши билан биргаликдаги гипопролифератив ҳолат ҳисобланади (Гринштейн Ю.И., Шабалин В.В., Кусаев В.В., 2016). Яъни, сурункали касаллик анемиясида (СКА) темир танқислиги анемиясига (ТТА) хос бўлган аниқ лаборатор белгилари топилмайди (Андреичев Н.А., Андреичева Е.Н., 2018). Шу билан бирга, қатор тадқиқотчилар ўз ишларида РА билан оғриган беморларда нафақат СКА, балки темир танқислиги ҳолатлари ҳам кузатилишини таъкидлаганлар (Суржикова Г.С., Клочкова-Абельянц С.А., 2015).

Ўзбекистон Республикасида ҳам болаларда ювенил артритни ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. ЮРАда жигар шикастланишининг эрта диагностик белгилари (Шомурадова Ш.Ш., Алимов А.В.. 2016), суяк тўқимасининг структуравий-функционал кўрсаткичлари (Рахимгазиев У.Г., 2018), ЮРАнинг тизимли бошланиши бўлган болаларни даволаш ва реабилитация қилишда шахсий ёндошув ишлаб чиқиш билан бирга ирсий ва иммунологик белгилар ўрганилган (Ахмедова Д.И., Ибрагимов А.А., 2022). Бироқ, маҳаллий адабиётларда анемияни даволашга хронофармакологик ёндашувни ишлаб чиқиш билан ЮРА билан оғриган болаларда анемия кечишининг клиник-патогенетик хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар деярли мавжуд эмас.

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу патология бўйича кўплаб тадқиқотлар мавжудлигига қарамай ЮРА билан оғриган болаларда анемия ривожланиш патогенетизи ва уни даволаш усуллари ҳақидаги савол очиклигича қолмоқда. Шу муносабат билан анемия синдромининг дифференциал диагностик мезонларини, асоратлар ва ногиронликнинг олдини олишга қаратилган даволаш усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек, ЮРА билан касалланган болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш замонавий болалар ревматологиясининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади, бу эса ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг “Болаларда туғма ва орттирилган касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси усуллари тақомиллаштириш” мавзусидаги №01980006703-сонли (2019-2022) илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади ювенил ревматоид артрит билан оғриган болаларда анемия кечишининг клиник-патогенетик хусусиятларини ўрганиш, даволаш усуллари оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Ретро ва проспектив таҳлил ўтказиш ёрдамида ЮРА билан оғриган беморларда ёш-жинс ва ЮРАнинг клиник хусусиятига боғлиқ ҳолда анемиянинг кузатилиш частотасини ўрганиш;

текширилаётган беморларда анемиянинг клиник кечиш хусусиятларини ва унинг оғирлигига ювенил ревматоид артрит фаоллигининг таъсирини аниқлаш;

ювенил ревматоид артрит билан оғриган болаларда анемиянинг кечиши патогенезидаги сабаб-оқибат боғлиқликларини аниқлаш;

ювенил ревматоид артрит билан оғриган болаларда анемияни даволашда хронофармакологик ёндашув самарадорлигини синовдан ўтказиш ва анъанавий даволаш усуллари билан қиёсий баҳолаш.

Тадқиқот объекти ТошПТИ ва ТМА клиникасининг кардиоревматология бўлимларида 2017-2022 йиллар давомида даволанган 502 боланинг касаллик тарихини ретроспектив таҳлили ҳамда 3 ёшдан 18 ёшгача

бўлган 129 нафар ЮРА билан оғриган, шу жумладан, 99 нафар анемия билан ва 30 нафар анемиясиз болаларни проспектив тахлили маълумотлари бўлди.

Тадқиқот предмети сифатида клиник ва анамнестик натижалар, биокимёвий тадқиқотлар учун веноз қон ва қон зардоби олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида умумий клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ретикулоцитоз ва ретикутоцитларнинг гемоглобин билан тўйинганлигининг пасайиши (RET-Hb) болаларда ЮРАнинг кечиш давомийлиги ва фаоллигининг даражаси билан боғлиқ бўлган эритроцитларнинг морфологик бузилишлари, қон зардобидида темир танқислиги ва анемиянинг кечиш оғирлигини аниқлаб бериши исботланган;

патологик жараённинг фаоллик даражаси ва ИЛ-6 нинг юқори миқдори билан боғлиқ бўлган, енгил ва ўртача даражадаги анемияли болаларда мос равишда эритропоэтин кўрсаткичи (1,9 - 3,2 марта) ва ферропортин миқдорининг (1,2 - 1,6 марта) камайиши фонидида, трансферрин эрувчан рецепторлари (sTfR, 1,1-1,3 марта), трансферрин (1,3-1,6 марта) ва ферритин кўрсаткичларининг (3-6 марта) юқори бўлиши билан темир алмашинувининг оксил-транспорт функциясининг қўпол бузилишлари исботланган;

ишончли диагностик тестлар асосидида ишончли дифференциал ташхисни таъминлайдиган, ЮРА билан оғриган енгил ва ўртача даражадаги анемияли болаларни бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган;

ювенил ревматоид артрит билан оғриган болаларда касалликнинг фаол даврида темир препарати ва одам рекомбинант эритропоэтини билан биргаликда анемия хронотерапиясининг превентив усули самарадорлиги енгил ва ўртача даражадаги анемия билан оғриган болалар учун клиник самарадорлик индекси мос равишда 86,0% ва 73,3% ни ташкил қилганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЮРА билан оғриган болаларда касалликнинг фаол даврида анемияни коррекциялаш учун хронотерапиянинг превентив усули ишлаб чиқилган, ушбу усул: per os (оғиз орқали) темир (III) препарати полималтозат гидроксид (малтофер 100 мг) 1 таблетка (чайналадиган) кунига 1 марта 8 ҳафта давомида соат 21.00 дан кейин; рЭПО - 2000 м ХБ ҳафтасига 1 марта елканинг ўрта учдан бир қисмига тери остига, 8 ҳафта давомида; тушликда қизил гўштли таомларни мажбурий киритиш билан тўғри овқатланишни ўз ичига олиши билан асосланган;

ЮРА билан оғриган енгил ва ўртача даражадаги анемияли болаларни бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган ва бу ЮРАда анемияни ташхислаш учун касалликнинг оғирлигик даражасига қараб ишончли диагностик тестлар тўплами ишлаб чиқилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда ишида самарали, адекват, юқори ўзига хосликка эга бўлагн замонавий усуллардан фойдаланилганлиги, беморларнинг етарли сони ва статистик қайта ишланадиган тадқиқот натижаларининг аниқлиги, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан оқилона таққослаш ва

баҳолаш, олинган натижа ва хулосаларни ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ЮРА билан оғриган болаларда анемия ривожланиш патогенези асосида ётувчи сабаб-оқибат муносабатлари аниқланганлиги, уларнинг қон зардобидида темир ва эритропоэтин танқислиги, патологик жараённинг фаоллик даражаси ва ИЛ-6 нинг юқори миқдори сабабли юзага келадиган эритроцитлар морфологияси ва темир алмашинувининг оксил-транспорт функциясидаги қўпол бузилишлари билан тавсифланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ювенил ревматоид артрит билан оғриган болаларда касалликнинг фаол даврида темир препарати ва одам рекомбинант эритропоэтини билан биргаликда анемия хронотерапиясининг превентив усулини қўллаш, енгил ва ўртача даражадаги анемия билан оғриган болаларда мос равишда 86,0% ва 73,3% ҳолатда клиник самарадорликга эришиши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Тошкент педиатрия тиббиёт институти эксперт комиссиясининг 2023 йил 9 июндаги 03/43-сонли хулосасига асосан (Соғлиқни сақлаш вазирлигига бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларида илмий ишланмаларни жорий этиш бўйича Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2023 йил 27 ноябрь №03/2560 сонли хати юборилган):

биринчи илмий янгилик: ретикулоцитоз ва ретикутоцитларнинг гемоглобин билан тўйинганлигининг пасайиши (RET-Hb) болаларда ЮРАнинг кечиш давомийлиги ва фаоллигининг даражаси билан боғлиқ бўлган эритроцитларнинг морфологик бузилишлари, қон зардобидида темир танқислиги ва анемиянинг кечиш оғирлигини аниқлаб бериши Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 06.01.2023 йилдаги 116-сонли буйруғи ва Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 31.05.2023 йилдаги 106-сонли буйруғига асосан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** анемиянинг кечиш оғирлигига қараб эритроцитларнинг морфологик бузилишлари ва гематологик ўзгаришларини тўғри талқин қилиш хатолар сонини камайтирган ҳамда диагностик ва терапевтик ёндашувни оптималлаштирган; бунда минимал иқтисодий инвестициялар билан (натижалар гематологик анализатор томонидан тақдим этилади) диагностика сифати яхшиланган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** абсолют ва нисбий гемограмма кўрсаткичларини таҳлил қилиш болаларда ЮРАда анемиянинг дифференциал диагностикаси ва 44 боланинг 29 тасида хронофармакологик ёндашув самарадорлигини баҳолаш яхшиланишига олиб келган. Бунда, 15 нафар беморга 5 миллион 250 минг сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** абсолют ва нисбий гемограмма кўрсаткичлари диагностикасининг татбиқ этилиши анемияни оғирлик даражаси ва кечиши бўйича тўғри фарқлаш, хатоларни минималлаштириш, давони белгилаш ва 1 нафар бемор болага 350 000 сўм бюджет маблағини тежаш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: патологик жараённинг фаоллик даражаси ва ИЛ-6 нинг юқори миқдори билан боғлиқ бўлган, енгил ва ўртача даражадаги анемияли болаларда мос равишда эритропоэтин кўрсаткичи (1,9 - 3,2 марта) ва ферропортин миқдорининг (1,2 - 1,6 марта) камайиши фониди, трансферрин эрувчан рецепторлари (sTfR, 1,1-1,3 марта), трансферрин (1,3-1,6 марта) ва ферритин кўрсаткичларининг (3-6 марта) юқори бўлиши Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 06.01.2023 йилдаги 116-сонли буйруғи ва Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 31.05.2023 йилдаги 106-сонли буйруғига асосан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** анемияда касаллик кечишининг оғирлигига қараб темир алмашинувининг оксил-транспорт функциясининг биокимёвий кўрсаткичлари бузилишини таҳлил қилиш, ЮРАда ўз вақтида хронофармакологик коррекционни амалга ошириш, унинг самарадорлигини мониторинг қилиш имконини беради ва болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилайдди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** анемияда касаллик кечишининг оғирлигига қараб темир алмашинувининг оксил-транспорт функциясининг биокимёвий кўрсаткичлари бузилишини таҳлил қилиш, ЮРАда анемиянинг дифференциал диагностикаси яхшиланишига ва 44 боладан 29 тасида хронофармакологик ёндашув самарадорлигининг яхшиланишига олиб келган. Бунда, 29 нафар беморга 10 миллион 350 минг сўмни иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** анемияда касаллик кечишининг оғирлигига қараб темир алмашинувининг оксил-транспорт функциясининг биокимёвий кўрсаткичлари диагностикасининг жорий этилиши, ЮРАда анемиянинг етакчи дифференциал диагностика белгиларини аниқлаш ва бюджет маблағларини 1 нафар бемор болага 350 000 сўм миқдорида тежаш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: ишончли диагностик тестлар асосида ЮРА билан оғриган енгил ва ўртача даражадаги анемияли болаларни бошқариш алгоритми Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 06.01.2023 йилдаги 116-сонли буйруғи ва Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 31.05.2023 йилдаги 106-сонли буйруғига асосан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** енгил ва ўртача даражадаги анемияли ЮРА билан оғриган болаларни касалликнинг фаол даврида бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиши ва татбиқ этилиши анемия синдромини ўз вақтида ишончли дифференциал ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** ЮРА билан оғриган енгил ва ўртача даражадаги анемияли болаларни аниқ диагностик тестларга асосланган ҳолда даволанишнинг ишлаб чиқилган алгоритми боланинг касалхонада даволаниш муддатини 3 кунга қисқартирди. Бунда, 29 нафар бемор учун 15 750 000 сўмни иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** ЮРА билан оғриган енгил ва ўртача даражадаги анемияли болаларни ишончли диагностик текширувлар асосида даволаш алгоритмининг жорий этилиши 1 нафар бемор болага 1 050 000 сўм миқдорида бюджет маблағларини тежаш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: ювенил ревматоид артрит билан оғриган болаларда касалликнинг фаол даврида темир препарати ва одам рекомбинант эритропоэтини билан биргаликда анемия хронотерапиясининг превентив усулини қўллаш энгил ва ўртача даражадаги анемия билан оғриган болаларда мос равишда 86,0% ва 73,3% ҳолатда клиник самарадорликни исботлади, бу Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 06.01.2023 йилдаги 116-сонли буйруғи ва Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 31.05.2023 йилдаги 106-сонли буйруғига асосан жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** ЮРАнинг фаол даврида анемия хронотерапиясининг профилактик усулини ишлаб чиқилиши ва татбиқ этилиши асоратларнинг кузатилиш частотасини камайтиради ва болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилайти. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** ЮРАнинг фаол даврида анемия хронотерапиясининг ишлаб чиқилган профилактик усули боланинг касалхонада даволанишини 3 кунга қисқартирди. Бунда, 29 нафар беморга 15 750 000 сўм иқтисод қилинган. **Хулоса:** ЮРАнинг фаол даврида анемия хронотерапиясининг превентив усулининг жорий этилиши 1 нафар бемор болага 1 050 000 сўм миқдоридаги бюджет маблағларини тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари юзасидан 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш нашр қилинган, шу жумладан 5 та журнал мақоласи Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, шундан 2 та хорижий ва 3 та республика илмий журналларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг биринчи боби- **“Ювенил ревматоид артритда анимеяни ташхислаш ва даволаш муаммосининг ҳолати ва ривожланиш механизмлари тўғрисидаги замонавий тасаввурлар (адабиётлар шарҳи)”**да хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг таҳлилий шарҳи тақдим

этилган. Адабиётлар шарҳида ЮРАда анемиянинг тарқалиши ва эпидемиологияси, этиологияси ва патогенези бўйича замонавий маълумотлар таҳлил қилинган ва ЮРАнинг бўғимдан ташқари кўриниши сифатида анемиянинг клиник кечиши, уни ташхислашдаги мавжуд мезонлар батафсил баҳоланган. Ювенил ревматоид артрит билан оғриган болаларда анемияни даволаш стандартларига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг **“Клиник материал тавсифи ва беморларни текшириш усуллари”** номли иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари ёритилган. Анемия синдромининг кузатилиш частотасини аниқлаш учун 2017-2022 йилларда ТошПТИ ва ТТА кардиоревматология бўлимларида даволанган 3-18 ёшли ЮРА билан оғриган беморларнинг 502 та касаллик тарихлари маълумотлари ретроспектив таҳлил қилинди. 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 129 нафар бола анемиянинг табиати ва унинг ЮРА фаоллиги даражасига боғлиқлигини аниқлаш учун тўлиқ клиник ва лаборатория текширувидан ўтказилди. Барча беморлар икки гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳ - 99 (76,7%) ЮРА ва анемия синдроми ташхиси бўлган беморлар, қиёсий гуруҳ – 30 нафар (23,3%) анемиясиз ЮРА ташхиси мавжуд болалардан иборат.

Ювенил ревматоид артрит ташхиси Америка ревматологлари коллегиясининг ЮРА таснифий мезонлари асосида қўйилди (Алексеева Е.И. 2016). Касалликнинг фаоллик даражаси махсус ишлаб чиқилган индекс JADAS10 (Juvenile Arthritis Disease Activity Score), шифокор томонидан ВАШ (визуал аналогли шкала) асосида баҳоланди. Беморларни функционал фаоллиги Штейнброккер мезонлари (2015) бўйича функционал синфлар (ФС I – IV) аниқлаш асосида баҳоланди. Тадқиқотга киритиш мезонлари куйидагилар бўлди: ЮРА билан касалланган ва гемоглобин миқдори 70-90 оралиғидаги (анемиянинг ўртача оғирлик даражаси) ва 90 -110 (енгил даражали анемия), ранг кўрсаткичи (РК) 0,8 дан паст бўлган беморлар. Истисно мезонлари ЮРАнинг тизимли шакли, бошқа турдаги анемиялар (гемолитик, мегалобластик, апластик ва б.к.), овқат ҳазм қилиш тизимининг зўрайиш босқичидаги ҳамроҳ касалликлари қайд этилган беморлар бўлди.


Асосий гуруҳдаги болаларда анемия ташхисини қўйиш учун куйидаги лаборатория кўрсаткичлари аниқланди: гемоглобин концентрацияси, эритроцитлар ва ретикулоцитлар сони, эритроцитар индекслар - ўртача эритроцитлар ҳажми (МСV), эритроцитлардаги ўртача гемоглобин миқдори (МСН) ва эритроцитлардаги ўртача гемоглобин концентрацияси (МСНС), ретикулоцитларнинг гемоглобин билан тўйинганлиги (RET-Hb). Организмда темир алмашинувини баҳолаш мақсадида қон зардобидида ферритин миқдори хемиллюминесцент усул ёрдамида аниқланди; қон зардобидидаги темир, УТБҚ ва ЛТБҚ ни ўрганиш Cobas Integra 400 plus Roche, (Швейцария) биокимёвий анализаторида IRON2 Roche (Швейцария) ва UIBCI Roche (Швейцария) тест-тизимлари тўпламлари ёрдамида ўтказилди. Зардобдаги трансферриннинг тўйинганлик коэффициенти ва зардобдаги трансферриннинг эрувчан рецепторлари (sTfR) миқдори нофелометрик усул ёрдамида аниқланди.

Қон зардобидаги ЭПО ва ферропортин миқдори иммунофермент таҳлил (ELISA) ёрдамида ўлчанди. Барча махсус текширувлар Республика гематология илмий амалий тиббиёт маркази лабораториясида ўтказилди.

Анемия ва унинг оғирлик даражасини аниқлашда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг 2015 йилги мезонларидан фойдаланилди.

Олинган маълумотларга STATISTICA v.6: «Basic Statistics and Tables дастурининг 6-версияси пакетиди ишлаб чиқилган дастурлардан фойдаланган ҳолда шахсий компьютерда статистик ишлов берилди. Хавф омилларининг таъсир частотаси, нисбий хавф RR (relative risk – $RR=Ie/Io=[a/(a+b)]/[c/(c+d)]$) ва атрибутив хавф - (attributable risk, $AP=Ie-Io=[a/(a+b)]-[c/(c+d)]$) атрибутив нисбат ёки этиологик фракцияни ($AP\%$, $AP\%=(AP/Ie)\times 100\%=[(Ie-Io)/Ie]\times 100\%$) ҳисоблаб баҳоланди. Таҳлил қилинаётган омилларнинг диагностик самарадорлигини интеграл баҳолаш учун тест сезгирлиги (sensitivity, Se , $Se=a/(a+c)$) ва ўзига хослиги (specificity, Sp , $Sp=d/(b+d)$) кўрсаткичлари, диагностик самарадорлик индекси ($ДС(a+d)/(a+b+c+d)$) ҳисобланди.

Диссертациянинг учинчи боби- **“Шахсий тадқиқот натижалари. ЮРА билан оғриган беморларда анемия синдромининг кузатилиш частотаси (ретроспектив тадқиқот маълумотлари)”**да анемиянинг кузатилиш частотаси, ЮРА билан оғриган болаларда анемиянинг ёш-жинс ва клиник-лаборатор кечиш хусусиятлари, ретропроспектив тадқиқотлар натижалари келтирилган. 2017 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда ТошПТИ ва ТТА клиникасининг кардиоревматология бўлимларида даволанган 502 нафар ЮРА билан оғриган анемияли беморларнинг касаллик тарихини ретропроспектив таҳлил қилиш натижасида аниқландики, касалхонада даволанган ЮРА анемияли болалар сонидан 99 нафари (24,3%) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти аҳолиси бўлган, қолган 309 нафари (76,7 %) республиканинг бошқа вилоятлари вакиллари бўлган, бунда Қашқадарё (53 нафар (12,9%)) ва Сурхондарё (43 нафар (8,6%)) вилоятлари болалари кўпчилиқни ташкил қилган. Энг кам миқдорда болалар Андижон (17, 4,1%), Наманган (18, 4,4%), Хоразм (19, 4,7%) ва Бухоро (21, 5,1%) вилоятларидан келган. Эҳтимол, юқорида қайд этилган ҳудудлардаги клиникаларнинг кардиоревматология бўлимларида кўрсатилаётган тиббий ёрдам ЮРА билан оғриган болаларнинг ТошПТИ ва ТТА клиникаларига мурожаатлари сонини камайтиради.



1-расм. Дастлабки мурожаатда анемия мавжудлигига қараб ЮРА билан оғриган болаларнинг тақсимланиши

ЮРА билан оғриган 502 бемордан 408 тасида (81,3%) анемия ҳамроҳ патология сифатида тасдиқланган (1-расм). Бунда, анемия қизларда (206,

50,5%) ўғил болаларга (203, 49,5%) нисбатан 3-7 ёшга қараганда (18,4%, 75), 8-18 ёш оралиғида (81,6%, 333, $p < 0,001$) кўпроқ қайд этилган (1-жадвал).

1-жадвал

ЮРА билан оғриган болаларнинг ёш ва жинс тавсифи, анемиянинг оғирлик даражасига кўра унинг кузатилиш частотаси (ретроспектив тадқиқот натижалари асосида)

Ёши	Анемияли ЮРА билан оғриган беморлар гуруҳи						Жами
	Ўғил болалар n=203, абс/%			Қиз болалар n=205, абс/%			
	Анемияни энгил дар.	Ўртача оғир дар.	Анемия оғир дар.	Анемия энгил дар.	Ўртача оғир дар.	Анемия оғир дар.	
3-7 ёш	22/ 17,3±3,3***	14/ 20,9±4,9	2/25,0	25/***/ 18,4±3,3	12/***/ 18,2±3,3		75/18,4
8-12 ёш	41/ 32,0±4,1***	25/ 37,3±5,9**	3/37,5	37/***/ 27,2±3,8	18/***/ 27,3±3,8	1/33,3	125/ 30,6
13-18 ёш	65/ 50,7±4,4	28/ 41,8±6,02	3/37,5	74/ 54,4±4,2	36/ 54,5±4,2	2/66,7	208/ 51,0
Жами	128	67	8	136	66	3	408

Изоҳ: ** - $p < 0,01$; *** $p < 0,001$ - ёш гуруҳига нисбатан кўрсаткичлардаги фарқларни ишончлилиги

Қатор муаллифларнинг фикрига кўра, ЮРАда анемиянинг ривожланиш частотаси турли популяцияларда фарқланади. 2001 йилдан 2007 йилгача ревматоид артритли 10 397 беморни ўз ичига олган CORRONA (АҚШ) Регистри маълумотларига кўра, анемиянинг ривожланиш частотаси 16,7% ни ташкил этди (Furst D.E. et al., 2009). Shatha M. Albokhari et al., (2021) 2 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларда ювенил идиопатик артритда анемиянинг ретроспектив тадқиқотини ўтказдилар ва 2-6 ёшда (69,2%) анемия кузатилиш частотасининг юқори даражасини аниқладилар. Бизнинг ретроспектив тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, 3-18 ёшдаги ЮРА билан оғриган болаларда анемия 81,3% ҳолатда ривожланади.

Энг қалтис давр 3-7 ёш ($RR=1,2$) ва аёл жинси билан боғлиқ бўлди ($Kass=0,77$, $p < 0,01$, $RR=7,7$). Энгил ва ўртача оғирликдаги анемия 13-18 ёшда ўғил болаларда ҳам ($p < 0,001$, $p < 0,01$), қизларда ҳам ($p < 0,001$, $p < 0,001$) 3-7 ва 8-12 ёш гуруҳларидаги болаларга нисбатан ($p < 0,001$, $p < 0,001$) кўпроқ қайд этилган. ЮРА кечишининг 3 йилдан 5 йилгача давом этишида анемия синдроми намоён бўлишининг юқори частотаси 1 йилгача ва 5 йилдан ортиқ давом этган болаларга қараганда 1,5 марта ($RR=1,5$) кўпроқ кузатилиши аниқланди. Анемия частотаси билан патологик жараённинг фаоллик даражаси ўртасида боғлиқлик мавжудлиги кузатилди, яъни 3-даражали ЮРА билан 41 бемор қайд этилган, анемиясиз ЮРАли беморлар сони 3 нафарни ташкил қилган, 2-даражали ЮРА билан анемияли беморлар сони 267 га, анемиясиз эса 51 га тенг бўлган. Шунингдек, бир нечта бўғимларнинг зарарланиши (полиартрит) билан ЮРА нинг кечиш вариантыда анемиянинг ривожланиши 180 беморда, олигоартритли беморларда биров кўпроқ – 203 беморда кузатилди, ваҳоланки анемиясиз беморлар сони полиартритли 36 нафарни ва олигоартритли 57 нафар беморни ташкил қилган.

Корреляция таҳлили анемия ривожланиш частотаси ва касалликнинг кечиш давомийлиги ($r=0,79$, $p<0,001$), шунингдек, ЮРА фаоллиги даражаси ($r=0,67$, $p<0,001$) ўртасида бевосита кучли боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Болаларда анемия энг муҳим бўғимдан ташқари белги сифатида нафақат беморнинг ҳаёт сифатини ёмонлаштиради, балки касалликнинг юқори фаоллик билан ривожланишини башорат қилади (Гринштейн Ю.И. ва бошқ., 2016) ва ЮРАда яшаб қолишликнинг узоқ муддатли ноҳўш прогнозининг ишончли даракчиси ҳам бўлиши мумкин (Moller B., et al., 2014).

Ушбу ишнинг кейинги босқичи проспектив тадқиқот бўлди.

2-жадвал

Текширилган беморларнинг (1-гурух) ёши, жинси ва анемия оғирлигига кўра тақсимланиши

Ёши	Жами		Ўғил болалар, абс/М±m%		Қиз болалар, абс/М±m%	
	абс.	%	Анемиянинг энгил даражаси	Анемиянинг ўртача даражаси	Анемиянинг энгил даражаси	Анемиянинг ўртача даражаси
3-7 ёш	27	27,2±4,3 **	5/ 10,6±4,5	9/ 19,2±5,7	8/ 15,4±5,0	5/ 9,6±4,1
8-12 ёш	44	44,5±5,0	15/ 31,9±6,8	11/ 23,4±6,2*	14/ 26,9±6,1	4/ 7,7±3,7
13-18	28	28,3±4,5 **	4/ 8,5±4,1	3/ 6,4±3,5	17/ 32,7±6,5**	4/ 7,7±3,7
Жами:	99	100	24/ 51,0±7,3	23/ 49,0±7,3	39/ 75,0±6,0*	13/ 25,0±6,0

Изоҳ: ёш ва жинс кўрсаткичларидаги фарқ ишончилиги: * - $p<0,05$; ** - $p<0,01$.

Анемия кузатилишининг энг юқори частотаси 3-7 (27,2%, $p<0,01$) ва 13-18 ёш (28,3%, $p<0,01$) ёш гуруҳларига нисбатан сезиларли фарқ билан 8-12 ёш оралиғида аниқланган. Анемиянинг энгил даражаси қизларда (75,0%, $p<0,05$) ўғил болаларга (51,0%) қараганда 13-18 ёш оралиғида (32,7%, $p<0,01$, ўғил болалардаги 8,5% ҳолатга нисбатан) устунлик қилган. Ўртача даражадаги анемиянинг кузатилиш частотаси 3-7 (19,2%) ва 8-12 (23,4%) ёшдаги ўғил болаларда қизларга (9,6% ва 7,7%, мос равишда 3-7 ва 8-12 ёш) нисбатан юқори бўлган, бунда сезиларли фарқ фақат 8-12 ёш гуруҳида кузатилган (23,4%, $p<0,05$) (2-жадвал).




2-расм. Таҳлил қилинган гуруҳларда болаларнинг ёшга кўра тавсифи

Таҳлил қилинган гуруҳлардаги болаларнинг ёшга кўра тавсифи (2-расм) анемия ривожланиш хавфи 3-7 ёшдаги болаларда 8-12 ёшдаги ва 13-18 ёшдагиларга нисбатан 2 ва 5,5 баравар юқори эканлигини аниқлади, мос равишда ($RR=2,0$) ва ($RR =5,5$). Шунингдек, 8-12 ёшлилар гуруҳида анемия

13-18 ёшли болалар гуруҳига қараганда 2,7 (RR =2,7) марта кўп ривожланган. Шундай қилиб, проспектив тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, енгил ва ўртача ($p<0,05$) даражадаги анемия 8-12 ёшлилар гуруҳида ($p<0,01$), кўпроқ ўғил болаларда ривожланди. Аммо анемиянинг ривожланиш хавфи 3-7 ёш оралиғида 8-12 (RR = 2,0) ва 13-18 (RR = 5,5) ёшлиларга нисбатан 2 ва 5,5 баравар юқори, шунингдек, 8-12 ёшли болаларда (RR=2,7) 13-18 ёшдаги болаларга нисбатан 2,7 баравар юқори.

Олинган натижалар кичик фарқлар билан ретроспектив тадқиқот маълумотлари билан таққосланди. Ретроспектив маълумотлардан фарқли ўлароқ, енгил анемиянинг ривожланиши ўртача даражадаги анемия ривожланишидан устун эканлигини ва текширилган беморлар гуруҳида қон таркибий қисмлари билан коррекциялашни талаб қилувчи анемия синдромининг оғир даражаси топилмагани қайд этилди.

ЮРА билан оғриган болаларда патологик жараённинг 2-даражали фаоллиги (79, $p<0,001$) ишончли тарзда кўпроқ аниқланган ва бу болаларда мантиқан анемиянинг кузатилиш частотаси сезиларли юқорилиги (65, $p<0,001$) кузатилган. Аммо анемиянинг ўртача оғирлик даражаси (Касс=0,71, $p<0,01$) патологик жараённинг 2-даражали фаоллиги билан боғлиқ бўлди ва бу ўртача сезувчанликка (Se=66%), жуда паст ўзига хосликка (Sp=25%) эга бўлди ва 5,8 марта кўпроқ кузатилди (RR=5,8). Ревматоид артритнинг 3-даражали фаоллигида ўртача оғирликдаги анемия 20 марта кўпроқ ривожланди (RR=20,0) у юқори ўзига хослик (Sp=93,7%) ва сезиларли ассоциация коэффиценти (Касс=0,85, $p<0,001$) билан паст сезувчанликка (Se=44%) эга бўлди.




3-расм. ЮРА билан оғриган болаларда анемия ривожланишининг етакчи хавф омилларини ИН да тартиб бўйича тақсимлаш

Текширилган болалар ўртасида ЮРАда анемия ривожланишининг етакчи хавф омиллари рейтингини ёши ва жинсидан қатъи назар, имконият нисбати (ИН) бўйича қуйидагича тақсимланди: камайиш тартибида “анемияга ирсий мойиллик” - 7,91, “марказий асаб тизимининг перинатал шикастланишлари” - 7,3, “ошқозон-ичак тракти касалликлари” - 6,8, “ўтказилган юқумли касалликлар” - 6,4 ва бошқалар. Аҳамиятга эга омиллар “сурункали бурун-

халқум инфекциялари”, “нотўғри овқатланиш”, “сийдик ажратиш тизими касалликлари” бўлди (3-расм). Шундай қилиб, оилада анемияга ирсий мойиллик ва юқори коморбидлик ҳолати, шунингдек нотўғри овқатланиш ЮРАда анемия ривожланиш эҳтимолини 5,9 марта оширади.

Тадқиқот давомида JADAS10 кўрсаткичларининг ўртача қийматлари ҳисобланганда, Таққословчи гуруҳга нисбатан анемия билан оғриган беморлар гуруҳида сезиларли даражада юқори фаоллик аниқланди ($p < 0,05$). Шунга ўхшаш ҳолат ВАШ баллари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлди. 2-гуруҳга нисбатан 1-гуруҳ болаларида шифокор, ота-оналар/бемор ($p < 0,05$, $p < 0,05$ мос равишда) томонидан баҳоланганда патологик жараённинг сезиларли даражада юқори фаоллиги аниқланди. "Зарарланган/фаол бўғимлар сони бўйича баҳолаш" ва "ЭЧТ ортиши бўйича баҳолаш" каби кўрсаткичлар анемиясиз ЮРА билан оғриган болалар гуруҳи энг катта фарқларга эга бўлди ($p < 0,001$, $p < 0,001$ мос равишда).

Штейнброккер мезонларига мувофиқ ЮРАнинг рентгенологик мезонларининг кузатилиш частотаси текширилган беморларнинг аксариятида ўзгаришларнинг биринчи босқичи қайд этилганлигини кўрсатди: суякларнинг эпифизар соҳасида остеопороз, бўғим тирқишининг торайиши ва битта-ярим эрозияларнинг мавжудлиги анемия билан оғриган беморлар гуруҳида 2,5 марта кўпроқ қайд этилган. Штейнброккер мезонларига мувофиқ бўғимларнинг функционал фаоллигини функционал синфлар бўйича баҳолаш анемия билан оғриган болаларда II функционал синф 2,9 марта ва III синф - 4,4 марта кўпроқ қайд этилганлигини аниқлади. IV- синф фақат 1-гуруҳ болалари учун хос бўлди. Анемиянинг оғирлиги Штейнброккер мезонларига мувофиқ ЮРА фаоллиги даражаси ($r = 0,78$, $p < 0,001$), JADAS10 ($r = 0,54$, $p < 0,001$) ва функционал синф ($r = 0,81$, $p < 0,001$) билан кучли тўғридан-тўғри корреляцияга эга бўлди.



4-расм. ЮРА билан оғриган болаларнинг анемиянинг оғирлик даражаси ва жинси бўйича тақсимланиши (%)

Анемияни ташхислаш мезонлари ва анемиянинг гемоглобин г/л концентрациясига асосланган оғирлик даражаси (ЖССТ, 2015) бўйича текширилган ЮРАли анемияси бор болалар, унинг даражасига кўра енгил (63, 63,6%) ва ўртача (36, 36,4%) оғирлик даражасига эга гуруҳларга бўлинди. Гемоглобин миқдори 69 г/л дан кам бўлган анемиянинг оғир даражаси билан оғриган беморлар бўлмади. Уларнинг 47 нафари ўғил ва 52 нафари қиз болалар бўлди (4-расм). Шу билан бирга, анемиянинг енгил даражаси қизларда ($p < 0,05$), ўғил болаларда эса ўртача даражаси ($p < 0,05$) устунлик қилди.

ЮРА билан оғриган беморларда периферик қоннинг гематологик кўрсаткичларининг хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Таққослаш гуруҳи n=30	Анемиянинг энгил др n=63	Анемиянинг ўртача др n=36
Гемоглобин, г/л	127,7±1,38	100,33±0,7***	84,64±0,6***^^^
Эритроцитлар, $\times 10^{12}/л$	4,45±0,08	3,12±0,08***	3,02±0,08***
Ранг кўрсаткичи	0,86±0,01	0,7±0,008	0,7±0,01
Ретикулоцитлар	5:1000	4:1000	2:1000
Тромбоцитлар, $\times 10^9/л$	233,5±8,8	245,3±7,4	215,4±11,3^
Лейкоцитлар, $\times 10^9/л$	8,7±0,8	11,42±0,73**	14,01±0,7***^
Таёқча ядроли н, %	1,1±0,05	1,86±0,16***	2,64±0,3***^
Сегмент ядроли н, %	65,3±2,8	66,71±1,37	63,72±1,82
Эозинофиллар, %	2,1±0,1	2,66±0,19**	3,2±0,3
Лимфоцитлар, %	26,4±0,3	27,1±0,33	29,1±0,8
Моноцитлар, %	3,06±0,3	3,4±0,2	3,36±0,3
ЭЧТ, мм/соат	14,28±3,2	28,6±2,3	35,2±1,4*

Изоҳ: * - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$ - таққослаш гуруҳи билан кўрсаткичлардаги; ^ - $p < 0,05$, ^^ - $p < 0,001$ - асосий гуруҳлар ичидаги фарқларнинг ишончлилиги

ЮРА билан оғриган анемияли беморларнинг периферик қонининг гематологик кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЮРА билан оғриган беморларда эритроцитлар ва гемоглобин миқдори таққослаш гуруҳига нисбатан анемия билан оғриган болаларнинг иккала гуруҳида сезиларли даражада пасайиш тенденцияси қайд этилди (мос равишда $p < 0,001$, $p < 0,001$) энгил ва ўртача даражадаги анемия билан оғриган болалар гуруҳлари) (3-жадвал). Гемоглобин концентрацияси ва эритроцитлар сони ($r = 0,66$, $p < 0,001$) ва ранг кўрсаткичи ($r = 0,69$, $p < 0,001$) ўртасида кучли ижобий боғлиқлик аниқланди.

ЮРА билан касалланган болаларда эритроцитларнинг морфологик табиатининг хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Таққослаш гуруҳлари n=30	Анемиянинг энгил даражаси n=63	Анемиянинг ўртача даражаси n=36
MCV, (80-97 фл)	84,2±0,88	76,5±0,9***	73,9 ± 0,4***
MCH, (30-35пг)	29,3±0,39	24,1±0,5***	21,1±0,6 ***^^^
MCHC, (315-350г/л)	350,2±3,56	280,4±3,4***	250,2±2,2 ***^^^
RDW, (11-16%)	11,1±0,37	16,5±0,32*	18,3±0,14***
RET-Нь, (0-99пг)	28,0± 0,45	24,6 ± 0,34***	21,6 ± 0,24 ***^^^

Изоҳ: * - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$ - таққослаш гуруҳи билан кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлилиги; .^^^ - $p < 0,001$ - асосий гуруҳлар ичидаги фарқларнинг ишончлилиги.

Эритроцитларнинг морфологик хусусиятларининг кўрсаткичлари таққослаш гуруҳида ҳам, ўзаро ҳам, MCV ва RDW параметрларидан ташқари - фақат таққослаш гуруҳига нисбатан сезиларли даражада фарқ қилди. MCV - энгил ва ўртача даражадаги анемия билан оғриган беморларда микроцитар анемияга мос келди ($p < 0,001$, $p < 0,001$), анемияси бўлмаган болалар гуруҳига нисбатан эритроцитларда ўртача гемоглобин концентрациясининг пасайиши

(МСНС, $p < 0,001$, $p < 0,001$, мос равишда, асосий гуруҳлар) ва эритроцитларда ўртача гемоглобин миқдори сезиларли даражада пасайиши (МСН, $p < 0,001$, $p < 0,001$) қайд этилди (4-жадвал).

Ретикулоцитлар ва ретикулоцитларнинг гемоглобин билан тўйинганлиги (RET-Hb) эритронда темирнинг мавжудлиги ва етарлилиги ҳақидаги сўнги маълумотларни акс эттиради. Бу кўрсаткичлар таққослаш гуруҳига нисбатан сезиларли даражада паст бўлди ($p < 0,001$, $p < 0,001$, мос равишда, энгил ва ўртача даражадаги анемия гуруҳлари), бу анемиянинг регенератив кечишига ишора қилди.

Диссертациянинг “Ювенил ревматоид артрит билан оғриган болаларда анемиянинг кечиш патогенезида сабаб-оқибат муносабатлари” деб номланган тўртинчи бобида ЮРА билан оғриган болаларда эритропоэтин даражаси, темир ва унинг транспорт оқсиллари алмашинуви хусусиятларини, шунингдек, анемиянинг прогностик белгиларини таҳлил натижалари келтирилган.

5-жадвал

ЮРА билан оғриган беморларнинг қон зардобидан анемия даражасига кўра эритропоэтин (мМЕ/мл) ва транспорт оқсилларининг миқдори

Кўрсаткичлар	Таққослаш гуруҳи n=30	Анемиянинг энгил даражаси n=63	Анемиянинг ўртача даражаси n=36
ЭПО мМЕ/мл↓	38,8±0,34	20,3±0,54***	12,1±0,25***^^^
ИЛ 6 мМЕ/мл↑	5,8±0,03	12,5±0,22***	16,4±0,45***^^^
Ферритин ng/ml↑	35,3±0,51	104,6±6,9***	212,7±3,09***^^^
Ферропортин ng/ml↓	0,25±0,004	0,21±0,002***	0,16±0,003***^^^
Трансферрин, мг/дл↑	230,6±1,8	290,3±4,7*	315,7±2,4***

Изох: Реагент кўрсатмаларига мувофиқ болалар учун ферритиннинг норматив қийматлари 5 дан 100 нг / мл гача, трансферрин 200-300 мг / дл, ферропортин 0,2-0,3 нг / мл.ни ташкил қилади *** - $p < 0,001$ - таққослаш гуруҳи билан кўрсаткичлардаги фарқларнинг аҳамияти; ^^ - $p < 0,001$ - асосий гуруҳлар ичидаги фарқларнинг аҳамияти.

Анемия билан оғриган беморлар гуруҳида ЭПО даражасининг сезиларли пасайиши (5-жадвал) ЭПО ни блоклайдиган яллиғланишга қарши цитокин бўлган ИЛ-6 нинг сезиларли фаоллашуви ҳисобига аниқланди ($r = -0,76$; $p < 0,001$). Ферритин ўткир фазада яллиғланиш кўрсаткичи сифатида 1- ва 2-гуруҳлардаги беморларда кўпайди, аммо у ҳеч қандай тарзда барча таққослаш гуруҳларида ҳам ва ўзаро ҳам, организмдаги темир депосининг ҳолатини акс эттирмади ($p < 0,001$), яъни ювенил ревматоид артритнинг клиник кўриниши қанчалик кўп бўлса, ферритин шунчалик юқори бўлди ($r = 0,68$, $p < 0,001$). Ферропортин анемия даражасининг ортиши баробарида сезиларли даражада камайди ($p < 0,001$). Бошқа транспорт оқсиллари – трансферрин, қонда унинг кўпайиши юқори даражада ишончли бўлди (5-жадвал).

Шунингдек, sTfR тестининг юқори диагностик самарадорлиги аниқланди ($Se = 74\%$, $p < 0,001$, $Sp = 89\%$, $p < 0,001$), ўртача оғирлик даражасидаги анемия билан оғриган болаларда унинг 4,8 мг/л гача сезиларли ортиши қайд этилди (6-жадвал).

Асосий гуруҳ беморларда темир метобализми кўрсаткичлари (n=99)

Кўрсаткичлар	Таққослаш гуруҳи n=30	Анемиянинг энгил даражаси n=63	Анемиянинг ўртача даражаси n=36
pPTф, мг/л (1,05 – 3,05)↑↑	2,03±0,1	4,6±0,04***	4,8 ± 0,03***
Зардоб темири, мкмоль/л (7 -30)	19,3±0,9	13,9±0,3***	7,2±0,3***^^^
ЛТБҚ, мкмоль/л (22-60)	40,5±0,8	30,6±0,6***	28,3±0,4***
УТБҚ, мкмоль/л (41-77)	53,2±1,3	41,2±1,2***	38,6±1,7***
Зардоб ферритини, ng/ml (5-100)↑	35,4±0,5	104,6 ± 6,9***	212,6 ± 3,1***^^^
ТТТК, % (25,5-47,6)	36±0,4	34±0,5**	19±0,3***^^^

Изоҳ: * - p<0,05, ** - p<0,01, *** - p<0,001 - таққослаш гуруҳи билан кўрсаткичлардаги; ^^ - p<0,001 - асосий гуруҳлар ичидаги фарқларнинг ишончилиги

ЮРА билан оғриган энгил ва ўрта даражадаги анемияли беморларда қон зардобдаги темир метабализмининг кўрсаткичларини таҳлил қилиш бир хил бўлмаган кўрсаткичларни аниқлади: қон зардобдаги темирнинг ўртача кўрсаткичлари ва ТТТК сезиларли даражада камайди, бу эса темир танқислиги анемиясини тавсифловчи ҳолат сифатида қаралиши мумкин. Ҳолбуки, УТБҚ ва ЛТБҚ меъёрий қийматлар доирасида бўлди, аммо қиёсий гуруҳ параметрларига нисбатан сезиларли фарқларга эга бўлган ва бу темир танқислиги ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларга хос бўлмаган. Шундай қилиб, ЮРА билан оғриган беморларда анемиянинг ўзига хос хусусияти борлигини тахмин қилишимиз мумкин, бу темир танқислиги анемиясининг лаборатория мезонларига ва сурункали касалликлар анемияси мезонларига мос келмайди.

Клиник, гемато-морфологик, иммунобиокимёвий кўрсаткичлар ассоциациялари асосида ЮРА билан оғриган болаларда анемиянинг диагностика мезонлари

№	Таҳлил қилинадиган кўрсаткичлар	Энгил даражадаги анемия	Ўртача даржадаги анемия
1	pPTф, мг/л	≤5,2	≥4,0
2	ИЛ-6, мМЕ/мл	≤16,0	≥12,3
3	RET-Нб, пг	≤24,9	≥21,3
4	Ферропортин, ng/ml	≤0,21	≥0,15
5	Нб, г/л	≤101,3	≥84,0
6	Трансферрин мг/дл	≤295,0	≥313,3
7	ЭПО, мМЕ/мл	≤20,84	≥11,8
8	Зардоб темири, мкмоль/л	≤19,3	≥5,1
9	JADAS10	≥14,0	≤24,0
10	УТБҚ мкмоль/л	≤56,0	≥20,0

